2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 12 (1073), 2024 йил 17 январь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 январь куни Европа Иттифоқининг Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинас бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.**



Суҳбат аввалида Евроиттифоқнинг юқори мартабали вакили ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, давлатимиз раҳбарига Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Ляйен ва Еврокенгаш раиси Шарль Мишелнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

ЕИ билан кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистонга ташрифи, Марказий Осиё давлатлари ва Евроиттифоқ раҳбарларининг иккита учрашуви, ўзаро боғлиқлик бўйича Самарқанд конференцияси муваффақиятли ўтказилди.

ЕИ ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қўшма "йўл харитаси" амалга оширилмоқда. "Марказий Осиё — ЕИ" биринчи саммитини Ўзбекистонда ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Январь ойи охирида Брюсселда икки минтақанинг транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган йирик Инвесторлар форуми бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги савдо жадал ўсиб бормоқда, ўтган йили унинг ҳажми 30 фоизга ошди.

Европанинг етакчи компаниялари иштирокида юқори технологик тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. ЕИнинг Ўзбекистон учун савдо преференциялари амал қилиш муддати узайтирилди.

Долзарб минтақавий масалалар, шу жумладан, Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**

## МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

2023 йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, саноат 6, хизмат кўрсатиш 6,8, қурилиш 6,4, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсган.

Бу йил ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 6 фоизга кўпайтириб, 100 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Йиғилишда шу борадаги вазифалар, зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, энг катта ислоҳотчи бўлган иқтисодий комплекс ходимлари жуда қаттиқ ишлаши кераклигини таъкидлади.

Масалан, умумий саноат ҳажми ўсгани билан, ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат 40 фоиздан ошмаяпти. Булар асосан, импортга қарамлик, энергия истеъмоли юқорилиги ва ортиқча харажатлар кўплиги сабабли бўлмоқда.

Шу боис, иқтисодий комплекс раҳбарлари ва барча давлат корхоналари учун "2024 йил — таннархни қисқартириш ва самарадорлик йили" бўлиши лозимлиги таъкидланди. Харидлар ва логистикани мақбуллаштириш, энергия ресурсларини тежаш ва рақамлаштириш орқали қанча харажатни камайтириш мумкинлиги тармоқлар кесимида кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда йирик тармоқларда қўшилган қийматни 45 фоиздан ошириш, таннархни 15 фоизга камайтириш, жами саноатда 7 фоиз ўсишни таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, иқтисодий комплексдаги раҳбарлар фаолиятини ойлик, чораклик ва йиллик самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) билан боғлаш, ўринбосарлар сонини кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Йиғилишда молиявий интизом масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўтган йили айрим давлат корхоналари томонидан дивиденд ва солиқ тўловлари бўйича бюджетга 8 триллион сўм тушум таъминланмаган. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида солиқ тушумлари 20 фоиз ўсган бўлса, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарёда бу кўрсаткич 7 фоизга ҳам етмаган.

Бундай ҳолатлар ҳудудий солиқ бўлими бошлиқлари ва ўринбосарлари, маҳалладаги солиқчиларнинг иши сустлигини кўрсатади. Шу боис, бу тизим қайта кўриб чиқилиб, янги йўналишлар белгиланди.

Биринчи йўналиш — 40 мингта бюджет ташкилоти билан ишлаш вазифаси туманлардан Солиқ қўмитасида янги ташкил қилинадиган Туманлараро бюджет ташкилотлари инспекциясига ўтказилади. Ушбу инспекция тўлиқ рақамлашган бўлади ва Ғазначилик электрон тизимига интеграция қилинади.

Иккинчи йўналиш — Қўмитада солиқ қарзини ундириш бўйича ҳам туманлараро инспекция ташкил этилади. Унга Мажбурий ижро бюросида мавжуд ваколатлар берилади. Бунинг ҳисобига, туманлардаги қўшимча 200 нафар солиқчини маҳаллабай ишлашга ўтказиш имкони бўлади.

Учинчи йўналиш — республика солиқ тушумининг 50 фоизини берадиган 80 та энг йирик корхона ва 35 та тижорат банки билан ишлайдиган алоҳида тизим бўлади. Бунинг учун Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция таркибида янги тузилма ташкил қилиниб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бевосита ишлайди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига солиқлар тушумини ўз вақтида таъминлаш, корхоналар харажати асоссиз ўсишининг олдини олиш бўйича вазифалар қўйилди.

Божхона соҳасига тўхталинар экан, ўтган йили импорт бўлган товарларга салкам 60 триллион сўмлик имтиёз қўлланган, лекин уларнинг самарадорлиги бўйича етарли таҳлил йўқлиги қайд этилди. Шу боис, имтиёз билан кирган товарларни бирма-бир ўрганиб чиқишга кўрсатма берилди.

Бюджет тушуми учун яна катта захиралар бу — хусусийлаштириш ва ерларни аукцион орқали сотишдир. Лекин хусусийлаштириш дастурига киритилган 484 та давлат активи савдога чиқарилмай турибди.

Масалан, савдога қўйилган ўнлаб дон корхоналари сотилмасдан турибди. Негаки уларнинг баҳосини белгилашда камчиликлар бор.

Вазирлар Маҳкамасига бу борадаги қолоқликларни бартараф этиб, жорий йилда 20 триллион сўм тушумни таъминлайдиган янги хусусийлаштириш дастурини тайёрлаш топширилди.

Ўтган йили ерларни аукцион орқали сотишдан 1 триллион сўм тушум бўлган, 12 мингта янги лойиҳа қўшилган. Бундай имкониятларни кенгайтириш мақсадида йил якунига қадар 70 та, келгуси йили барча туманларнинг мастер режаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кундаги энг долзарб масала бу — яширин иқтисодиёт. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида катта миқдордаги айланма "соя"да қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари яширин иқтисодиёт адолатли рақобатга, ҳалол тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётганини айтиб, қўшимча чораларни кўрсатиб ўтди.

Ҳозирда яширин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та идора тарқоқ ҳолда шуғулланмоқда. Бу ишларни мувофиқлаштириш ва кучайтириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ваколатлари кенгайтирилади. Бу департамент энг замонавий воситалар ва етук мутахассислар билан таъминланиб, унинг ҳузурида илмий-таҳлилий ва ўқув маркази очилади. Шу билан бирга, Бош прокуратурада ҳам яширин иқтисодиёт бўйича алоҳида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилинади.

Йиғилишда бюджет харажатларининг самарадорлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ўтган йили бюджетдан 1,2 триллион сўмлик ноқонуний харажат ҳамда 200 миллиард сўмлик камомад ва ўғриликларга йўл қўйилгани аниқланган. Соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги дастурларга ажратилган маблағлар тўлиқ ишлатилмаган. Шунингдек, аслида ишламайдиган ходим ёки бажарилмаган иш учун ҳақ ёзиш, асоссиз ссуда ёки мукофот пуллари олиш каби ҳолатлар кўпайган.

Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолияти қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, мазкур инспекция Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилиши белгиланди.

Бу йил бюджетда кўзда тутилган 313 триллион сўмлик харажатнинг тўғри сарфланишини назорат қилиш вазифаси қўйилди.

Инфляцияни камайтириш масаласи ҳам долзарб. Кўрилган чоралар натижасида ўтган йили инфляция 9 фоиздан ошмади.

Маҳсулотлар инфляциясини озиқ-овқатни кўпайтириш орқали жиловлаш мумкинлиги таъкидланиб, бу бўйича қишлоқ хўжалиги вазири ва ҳокимларга кўрсатмалар берилди.

Умуман, жорий йилда ҳам инфляцияни 9 фоиздан тушириш чоралари муҳокама қилинди.

Банк тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётга кредитлар йўналтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бозор механизмлари асосида кредит ставкаларини камида 2-3 фоизга тушириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бўйича яқинда қабул қилинган дастурни самарали амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Бандлик тизимига кирувчи касбга тайёрлаш муассасалари ҳамда ташқи меҳнат миграциясидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига бу каби камчиликларни бартараф этиб, аҳолини касбга ўқитиш ва иш ўринлари яратиш юзасидан қўшимча топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида иқтисодий комплекс раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар жорий йилги режалари бўйича ахборот берди.

**ЎзА**

### Муносабат

## МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

### ҳар бир инсонга дахлдор ҳаётий зарурат

**Тинчлик — бебаҳо неъмат. Унинг қадри, айниқса, дунёнинг барқарор, манаман деган давлатлари ҳам зиддиятлар гирдобига ғарқ бўлаётган бугунги таҳликали замонда жуда билинмоқда. Шу маънода, мана шундай мураккаб бир шароитда хавфсизлик, сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч ва осойишта ҳаётимиз барқарорлигини таъминлаш ғоят долзарб вазифадир.**

Тан олиш керак, бугун дунё ўзаро тортишувлар, санкциялар, жаҳон сиёсати ҳарбийлашаётган вазиятда яшамоқда. Шундай бир мураккаб вазиятда мамлакат сарҳадларини асраш, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш давлатимиз, Қуролли Кучларимиз зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Бугунги таҳликали вазиятни олдиндан кўра билган Президентимиз ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни бундан етти йил олдин бошлаб берди. Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, қўшинларнинг жанговар шайлиги ва руҳий тайёргарлигини ошириш, бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш давом эттирилди. Барча куч тузилмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги ахборот-коммуникация тизимлари Қуролли Кучларни бошқариш жараёнига изчил интеграция қилинмоқда. Ҳарбий бошқарув органлари ва қўшинларни биргаликда тайёрлаш тизимига хорижий армияларнинг ижобий тажрибаси жорий этилмоқда.

*Давоми 3-бетда*

### Биз ва дунё

## ХИТОЙ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛГАН "САМАРҚАНД ҲИКОЯСИ" КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

### КИТОБДА САМАРҚАНД ВА ХИТОЙ ҲАМДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЎРТАСИДАГИ ТАРИХИЙ БОҒЛИҚЛИК ҲАҚИДА ҲАМ ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ

**Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонасида "Самарқанд ҳикояси" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой академик доиралари вакиллари, сайёҳлик компаниялари раҳбарлари, шунингдек, Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ватандошларимиз қатнашди.**

Ушбу китоб бир гуруҳ ўзбек олимлари томонидан тайёрланиб, Хитойнинг Чет тиллардаги адабиётларни нашр этиш ва тарқатиш бошқармаси кўмагида "New Star Press Co, Ltd" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан хитой тилида чоп этилди.

*Давоми 2-бетда*

### Шарҳ

## СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА АСОСЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада одил судловни амалга ошириш жараёнида шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.**

Шу билан бирга, бугунги кунда суд қарорларини қайта кўриш институтининг таҳлили мазкур институтни такомиллаштириш орқали амалдаги тартибни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Конституциямизнинг 138-моддасида суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурий экани қайд этилган.

*Давоми 2-бетда*

### Долзарб мавзу

## ТАЪСИРЧАН ДАСТАК

### чиқиндидан қарздорликнинг ўз вақтида амалга оширилиши аҳолида масъулият ҳиссини ошириб, табиат мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади

**Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар тарифи ҳақидаги хабарлар кўпайди. Бу бежиз эмас. Чунки энди маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилинаётган қарорларда ягона тўлов нархи белгиланмоқда. Уларнинг асосий мақсади ҳам хайрли. Санитар тозалаш корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, инвестиция мажбуриятлари ўз вақтида бажарилиши ҳамда соҳада янги иш ўринлари яратилишини таъминлашни кўзда тутади. Бунда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли даромади ва турмуш даражаси инобатга олинган.**

*Давоми 4-бетда*

## Шарҳ

# СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА АСОСЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?



**Бобур ИСЛОМОВ,**
*Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси*

**Бошланиши 1-бетда**

2023 йил 25 декабрда қабул қилинган “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб туманлараро судлар томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, ҳар бир суд инстанциясининг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш мажбурияти юклатилишини, суд қарорларини қайта кўриш босқичларига тафтиш инстанцияси жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонун билан суд қарорларини қайта кўришда вилоят судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, суднинг ажрими устидан шикоят бериш масаласида янги институт — суд ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди. Яъни ушбу ҳужжатга асосан, туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи босқичда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколати берилди.

Бундай тартиб ўрнатилиши натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланиб, фуқаролар ва юридик шахслар сарсон бўлишининг олди олинади. Эндиликда, мазкур қонун талаблари билан юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларнинг аниқ ечимига қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратилмоқда.

> **Суднинг ажрими устидан шикоят бериш масаласида янги институт — суд ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди. Яъни ушбу ҳужжатга асосан, туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи босқичда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколати берилди.**

Суд ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шикоят ва билдирилган протест асосида қуйи суд чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримларининг уларга қўйиладиган талабларга жавоб беришини текширишга қаратилган юқори судда иш юритиш (суд муҳокамаси) жараёни ҳисобланади.

Қайд этилганидек, фуқаролик суд ишларини юритишда ишлар одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби принциплар асосида амалга оширилади.

Мазкур тартибнинг қонунда белгиланиши одил судловга эришиш имкониятини янада кенгайтирди. Бунда биринчи инстанция судининг қароридан норози тарафлар вилоят судига апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиб, уларнинг ҳам натижасидан қониқмаса, ушбу иш мазкур судларда тафтиш тартибида кўриб чиқилади. Суд ишидан яна норози бўлинган тақдирда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўриб чиқилган ишлар Олий суднинг судлов ҳайъатида қайта кўрилади.

Шунингдек, кассация инстанциясининг жорий этилиши келгусида манфаатдор шахслар томонидан қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан шикоят келтириш имконини беради.

Масалан, суддаги бир тараф ўзи қатнашган иш бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарори ёки ажримидан қонуний кучга кирганидан кейин қайсидир ҳолатга кўра, норози бўлиб қолиши мумкин. Ушбу ҳолатда шахс апелляция шикояти бериш муддатини ўтказиб юборган бўлади, аммо унда шикоят келтиришда процессуал ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Фуқаролик ишини апелляция ва кассация тартибида қайта кўриш — суд процесси иштирокчиларининг суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ, апелляция шикояти (протести) суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

Тафтиш инстанцияси биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари устидан берилган шикоятни (протест) кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидагиларга ҳақли:

— ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

— уларни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилиш ва янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилиш;

— ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни тўлиқ ёки қисман ўзгартириш;

— Фуқаролик процессуал кодексининг $372^2$-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун апелляция ёки кассация инстанцияси судига юбориш;

— ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ушбу Кодексда кўрсатилган асосларга кўра, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатиш;

— айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Тафтиш инстанцияси судининг ажримида, қарорида баён қилинган кўрсатмалар мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Тафтиш инстанцияси суди у ёки бу далилнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги тўғрисидаги, айрим далилларнинг бошқаларидан устунлиги ҳақидаги, иш янгидан кўрилган тақдирда қандай қарор чиқарилиши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

Энди юқори инстанция судларига янада катта масъулият юкланиб, ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибининг бекор қилингани ҳам суд ҳужжатидан норози шахснинг юқори инстанцияга ишончини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишда апелляция, кассация ва тафтиш босқичларининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглигини ва тортишувчанлигини амалда таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

## Биз ва дунё

# ХИТОЙ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛГАН “САМАРҚАНД ҲИКОЯСИ” КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

### КИТОБДА САМАРҚАНД ВА ХИТОЙ ҲАМДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЎРТАСИДАГИ ТАРИХИЙ БОҒЛИҚЛИК ҲАҚИДА ҲАМ ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ

**Бошланиши 1-бетда**

Тақдимотда китоб Буюк ипак йўлининг дурдонаси сифатида жаҳонга машҳур бўлган қадимий Самарқанд шаҳри тарихига бағишлангани ҳақида маълумот берилди. Унда тарихий хронологик тартибда шаҳарнинг пайдо бўлишидан ҳозирги кунгача бўлган мингйиллик тарих тасвирланади. Китобда Самарқанд ва Хитой ҳамда Буюк ипак йўли ўртасидаги тарихий боғлиқлик ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Самарқанд Буюк ипак йўлининг жаҳонга машҳур дурдонаси сифатида Осиё ва Европа ўртасида ўзаро савдо, технологиялар, маданиятлар алмашинувига катта ҳисса қўшган ушбу афсонавий йўлнинг шонли ўтмиши ёдгорлиги экани таъкидланди.

Тақдимотда сўзга чиққанлар бугун Самарқанд йирик халқаро аҳамиятга молик тадбирлар ўтказиладиган макон сифатида эътироф этилаётганини алоҳида қайд этди. Хусусан, 2022 йил сентябрь ойида



ушбу қадимий шаҳарда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши юқори савияда ўтказилди.

**Сохайл ХОН,**
**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби ўринбосари:**



— Бугун Ўзбекистон элчихонасида Самарқанд ҳақидаги китоб тақдимотида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлади. Бу ерда ушбу гўзал шаҳар ҳақида жуда кўп қизиқарли ва фойдали маълумотлар олдим.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё, жумладан, Покистоннинг ҳам фахри ҳисобланади. Тарихий даврлардаги илм-фан, маданият ва таълим марказлари ҳақида гап кетганда, кўпчилик биринчи галда Самарқандни ёдга олади.

2022 ва 2023 йилларда ушбу шаҳарда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммити, ЕТТБ саммити ва бошқа муҳим тадбирлар ўтказилди. Самарқанд бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан келган олим ва сиёсатчиларни бирлаштирган мулоқот маркази бўлиб хизмат қилаётганини исботлади.

**Хитойнинг Чет тиллардаги адабиётларни нашр этиш ва тарқатиш бошқармаси вице-президенти Юй Тао** ўз чиқишида Самарқанд Ўзбекистоннинг иккинчи йирик шаҳри ва қадимий Ипак йўлидаги муҳим марказлардан бири эканини таъкидлади.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Самарқанд ҳикояси” китобининг муқаддимасида ёзганидек, бу қадимий ва навқирон шаҳар, бетакрор шарқона эртак, ранг-баранг, қадимий ва муҳташам тарихий диққатга сазовор жойларга эга воҳа, жаҳон цивилизацияси бешиклардан биридир, — деди Юй Тао. — “Самарқанд ҳикояси” икки мамлакат ўртасидаги маданий алмашинувнинг муҳим воситасига айланишига ишонаман. Ушбу китобнинг Хитойда нашр этилиши билан бу шаҳар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун хитойликлар мазкур қадимий кентга йўл олиши шубҳасиз.



**Хан ХУА,**
**Пекин халқаро мулоқотлар клуби бош котиби:**

— Ўзбекистон мен учун қалбимга яқин мамлакат. Ўтган йили Тошкент ва Самарқандда бўлдим. Турли цивилизациялар чорраҳаси, муҳим тарихий воқеалар гувоҳи бўлган Самарқандга доим ҳавас қиламан. Самарқанд нафақат тарихий, балки замонавий шаҳардир. Кейинги йилларда бу ерда замонавий бино ва иншоотлар барпо этилди.

Ўзбекистон — Хитой иқтисодий муносабатларини ривожлантириш учун ҳам улкан имкониятлар мавжуд. Бугун биз мамлакатларимиз ва ҳудудларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда жадал ривожланаётганини кўриб турибмиз. Бу халқларимиз фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

**“New Star Press Co, Ltd” нашриёт-матбаа ижодий уйи президенти Ма Жуцзюнь** ўз нутқида қадимий Ипак йўли Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги азалий дўстликдан далолат беришини таъкидлади.

— “Дунё кўзгуси ва кўнгил боғи” номи билан машҳур бўлган Самарқанд Хитой ва бутун дунёни боғловчи, тарих ва замонавийлик уйғунлашган йўлнинг дурдонаси бўлиб, ҳозирги кунда жаҳонга машҳур илмий-маданий марказга айланди, — дея қайд этди Ма Жуцзюнь. — “Самарқанд ҳикояси” китоби “Ипак йўлидаги юз шаҳар тарихи” кенг қамровли туркумнинг муҳим нашридир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ушбу китобга сўзбоши ёзгани ва китобнинг нашр этилиши Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, икки давлат ўртасидаги маданий алмашинувларни ривожлантиришга ва халқларимиз ўртасидаги масофани янада қисқартиришга хизмат қилишини юксак баҳолагани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

**“Дунё” АА**
*Пекин*

> ЯПОНИЯДАГИ ВАТАНДОШ АЁЛЛАР МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА ТОКИО ЧЕТ ТИЛЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ДОЦЕНТИ, ЮРИСТ, ТОКИО ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИДА ОҒИР АҲВОЛГА ТУШГАН, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ҚИЛГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗГА ЮРИДИК ЁРДАМ ВА ТАРЖИМОНЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ МОҲИНУР ТУРДИОХУНОВА ТАЙИНЛАНДИ.



# КУНЧИҚАР ЮРТДАГИ ВАТАНДОШ АЁЛЛАР МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

**Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида фаол, олима ва тадбиркор ватандош хотин-қизлар иштирокида гибрид шаклида учрашув ўтказилиб, дипломатик ваколатхона қошида Япониядаги ватандош аёллар Маслаҳат кенгаши ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон элчиси Муҳсинхўжа Абдураҳмонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳаларда ўз қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини маълум қилди.

Шунингдек, юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингани, бу, ўз навбатида, аёлларга бўлган улкан эътибор намунаси экани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, тадбир қатнашчиларига хорижда истиқомат қилаётган ватандош хотин-қизлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга зарур ахборот-маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича ҳамкорликда ишлар ташкил қилиш лозимлиги билдирилди.

“Ватандошлар” жамоат фонди бошқарув раиси Одилжон Саттаров ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши аъзоларининг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, фонд Япониядаги ватандошлар билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

Тадбир давомида Япониядаги ватандош аёллар Маслаҳат кенгаши раиси лавозимига Токио чет тиллар университети доценти, юрист, Токио ҳуқуқ-тартибот идораларида оғир аҳволга тушган, ҳуқуқбузарлик содир қилган ватандошларимизга юридик ёрдам ва таржимонлик фаолияти билан шуғулланувчи Моҳинур Турдиохунова тайинланди.

Учрашув якунида иштирокчилар томонидан кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш ва истиқболдаги режалар бўйича ўзаро фикр алмашилди ҳамда юртимиздаги мутасадди идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

**“Дунё” АА**
*Токио*





## Муносабат

# МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

## ҳар бир инсонга дахлдор ҳаётий зарурат



**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**
*социология фанлари доктори, профессор*

**Бошланиши 1-бетда**

"Халқ ва армия — бир тану бир жондир" эзгу тамойили ўз натижасини берди. Ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти самарасида ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаси тўлиқ янгиланди, янги ўқув полигонлари барпо этилди. Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси мустаҳкамланди. Ҳарбийлар уй-жой билан таъминланмоқда. Ҳарбий аёллар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида "Тўмарис" нишони таъсис этилди. Ҳарбий техникалар, қурол-яроғ, инновацион технологияларни соҳага жалб қилиш эътибор марказига кўчди. Натижада аксарият давлатлар ҳавас қиладиган кучли армия шаклланди.

Аммо глобаллашаётган даврда кечаги режалар бугунга тўғри келмаяпти. Йил бошида айни мудофааа тизими таҳлил қилиниши бежиз эмас. Зеро, тинчликни асраб-авайлаш давлатимиз сиёсатининг бош мақсади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Қуролли Кучларимиз олдида турган вазифалар, камчиликларни бартараф этиш, армиямизнинг жанговар қудратини, ватанпарварлик ва дахлдорлик ҳиссини ошириш борасида куйинчаклик билан билдирган фикрлари муайян хулосалар чиқаришга ундайди. Давлатимиз раҳбарининг маърузасини эшитганимда, кўнглим ғурур-ифтихорга тўлди. Ахир инсоният кўз ўнгида жаҳон миқёсида янги тартиб тамойиллар шаклланаётган, янги куч марказлари ва хавф-хатар ўчоқлари пайдо бўлаётган бир кезда энг катта бойлигимиз бўлган тинчликни асраш, халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги келажак режалар, устувор вазифалар белгилаб олиняпти.

Биз улардан чиқаришимиз керак бўлган хулосалардан бири шундаки, янги Ўзбекистон армиясини кечаги мезонлар билан қуриб бўлмайди. Тинч яшамоқчи эканмиз, шунга яраша қудратли армиямиз бўлмоғи шарт. Бунинг ортида ҳам аслида машаққатли меҳнат, уйқусиз, бедор тунлар ётади.

Аксариятимиз юртимизда тинчлик-осойишталик бўлсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деган гапларни кўп такрорлаймиз. Тўғри, тинчлик — Аллоҳнинг буюк неъмати, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин "тинчлик бўлсин", деган сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмуни нечоғлиқ теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмуни англанмаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди.

Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимлари, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар масъул. Лекин тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий зарурат, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи. Бугун ҳар биримиз "Тинчлик-осойишталикни, шу мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қиляпман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?", деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур. Ҳолбуки, бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: дахлдор, ҳушёр, огоҳ бўлиб яшаш — бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим. Аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, қалбига киришга уринаётган ёт, бузғунчи ғояларга қарши муросасиз курашишимиз керак.

Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида таъкидланганидек, биз ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашимиз шарт. Бу — бизнинг тарих ва келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз ва мажбуриятимиз. Буюк ва қаҳрамон аждодларимизнинг ворислари сифатида халқимиз, миллатимиз шаънини пок асраб яшамасак, бу уларнинг ўлмас руҳи олдида хиёнат бўлади. Зеро, биз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимиз тинчлигини кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаъни, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз. Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, тинчликни ҳимоя қилиш, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.

Мақсадимиз — дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялаяпмиз. Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас



> Буюк ҳарбий саркарда, стратег, илм-фан, маданият ҳомийси бўлган Соҳибқироннинг муваффақиятли ғалабалари, олиб борган чуқур ўйланган стратегия ва тактикалари эса мутлақо ноёбдир. Бу бежиз эмас. Чунончи, бугун дунёнинг кўплаб давлатлари ҳарбий сиёсатида Амир Темур бобомиз ўгитлари ва бошқарув тутумларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

бурчимиз экан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси — ҳар биримиз аввало, ўз вазифамизни виждонан адо этишимиз, ғаразли мақсадни кўзлаган ахборот хуружлари, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараш, ўз уйимиз, ўз маҳалламиз, шаҳар-қишлоғимизда осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдиришимиз, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ҳаётимиз мезонига айлантиришимиз зарур.

Президентимиз дунёда ахборот хуружлари кенгайиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этди. Бугунги нотинч замон, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда дўстни душмандан, оқни қорадан ажратиш, юртдошларимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз алоҳида аҳамиятга эга. Тан олиш керак, қандайдир тор ғоялар ниқоби остида ўз манфаатларини илгари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитишга уринишдек ахборот хуружлари кўлами кенгайиб бормоқда. У ёки бу мамлакатни ёмонотлиқ қилиш, ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмаяпти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқарашини у ёки бу ғоялар таъсирига бўйсундиришда сохта ахборотлар муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ҳам бундай хатарлардан холи эмас. Биринчидан, атрофда бизни хушламайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз кучимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўйи ортиб бораётганини кўриб, кайфияти бузилаётган кучлар етарли. Иккинчидан, бундай хуружлар замирида минтақа давлатларининг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида иғвогарлик ҳаракатларини кўриш мумкин.

Бинобарин, Қуролли Кучларни рақамлаштиришни жадаллаштириш, ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар малакасини ошириш, Ҳарбий инженерлар мактабини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилиб, мамлакатимизнинг сафарбарлик соҳасидаги тайёргарлиги ва ҳудудий мудофаасини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилди, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича тавсиялар берилди.

Мақсад аниқ — тинчлигимизни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда бировларга эмас, ўз кучимизга таянмоқчимиз. Бизга бу кучни четдан излашнинг ҳожати йўқ. Шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун чинакам ибрат мактаби, деганда давлатимиз раҳбари минг бора ҳақ эди. Бу борада биз аждодларимизнинг ҳарбий меросини чуқурроқ ўрганишимиз бугунги қалтис замонда айни муддао бўлади.

Буюк ҳарбий саркарда, стратег, илм-фан, маданият ҳомийси бўлган Соҳибқироннинг муваффақиятли ғалабалари, олиб борган чуқур ўйланган стратегия ва тактикалари эса мутлақо ноёбдир. Бу бежиз эмас. Чунончи, бугун дунёнинг кўплаб давлатлари ҳарбий сиёсатида Амир Темур бобомиз ўгитлари ва бошқарув тутумларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Буни бобомиз қўллаган ўнлаб ҳарбий терминлар ҳозир ҳам кўплаб мамлакатлар ҳарбий соҳасида яшаб келаётганида кўриш мумкин.

Бундан, албатта, ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо ўзимиз ҳам бу буюк меросдан самарали фойдаланишимиз керак. Хусусан, 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони билан ҳарбий академик лицейлар "Темурбеклар мактаби"га айлантирилди. Бинобарин, буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг меросини ўрганиш ҳозирги кунда янада долзарб ҳисобланади. Соҳибқирон бобомизнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ҳар томонлама ўрнакдир.

"Темур тузуклари" асаридаги ватанпарварлик ғояларининг ёшларни юрт қайғуси ва уни ардоқлаш руҳида тарбиялашдаги ўрни беқиёс. Ушбу бебаҳо асардан фарзанд тарбияси, Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савиясини юксалтириш, миллий тарихимизни чуқур ўрганишда фойдаланиш, шунингдек, маънавий-ахлоқий ҳамда ҳарбий меросни, унинг ибратли ҳаёти ва ҳарбий-сиёсий фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ. Зеро, буюк Амир Темур дунёга адолат тантанасини мерос қолдирди. Бу мерос бугун ҳам, кейин ҳам ўзининг сўнмас ва доимо интилувчан руҳи билан дунё халқларини ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликка, тўғри ва ҳалол яшашга, меҳрибон бўлишга чорлаб туради.

Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий мероси ҳам бебаҳо. Улуғ саркарда ҳарбий фаолияти давомида қўшини таркибида, бошқариш тизимида, қурол-яроғ таъминотида, жанговар ҳаракатлар ва бошқа ҳарбий жабҳаларда улуғ аждодларига хос бўлган энг яхши анъаналарни сақлаб қола олган. Айни пайтда у жангларда ҳарб илмининг юксак билимдони, янги ҳарбий тактикаларнинг яратувчиси, қўшинни моҳирлик билан бошқара оладиган лашкарбоши, қўрқмас, мард, қаҳрамон курашчи, Ватан, халқ озодлиги учун жонини бахш этган фидойи инсон сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Султон Жалолиддиннинг ҳарбий тактикасида энг кўп қўлланилган жанг усулларидан бири, бу — душман қўшини марказига ҳужум қилиб, уни пароканда қилиш, унинг ўртасига ёриб кириб, қириб ташлашдан иборат бўлган. Чунки марказнинг ҳалокати қўшиннинг мағлубиятига олиб келган. Жалолиддиннинг оз сонли лашкарлар билан душманнинг кўп сонли қўшини устидан доимо ғалаба қозониш сирларидан бири ҳам ана шунда бўлган.

Мана нима учун бой ҳарбий меросимизни ўрганиш керак. Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси улғая боради, туғилиб ўсган юртига меҳри ортади. Бу Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз Ватани деб биладиган барча юртдошларимизга бирдек дахлдордир. Халқимиз бой тарих, юксак маданият ва буюк маънавиятга эга. Зеро, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган беқиёс куч — маънавий жасорат туйғусидир.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимиз мудофааси ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, дунёда рўй бераётган турли низолар шароитида Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини ошириш юзасидан навбатдаги вазифаларни белгилаб берди, бу ҳам бўлса халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш, мамлакатимиз сарҳадлари хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, суверенитетини мустаҳкам ва ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

## Нуқтаи назар

# ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИГА СОЛИҚЧИЛАР ЭМАС, ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ БАҲО БЕРАДИ



**Ботирбек ТЎРАЗОДА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

**Бугун иқтисодий тараққиётни тадбиркорлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, тадбиркорлар қанча кўп бўлса ва кўпроқ даромад кўрса, давлат ҳам шунча бой бўлади. Шу боис, ишнинг кўзини биладиган, ватанпарвар ва фидойи тадбиркорлар давлатимиз томонидан алоҳида қўллаб-қувватланмоқда.**

Умуман олганда, соҳа вакиллари уларга яратиб берилаётган қулай шароит, қатор енгиллик ва эркинликлардан куч олиб, иқтисодиётимиз локомотивига айланиб боряпти. Мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити яратиш борасидаги ишлар самараси янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилаётгани, ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Улар бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи ва оиласи билан бир қаторда, маҳалласи, эл-юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшяпти.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш, эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислоҳотлар мантиқий изчилликда давом эттириляпти. Хусусан, яқин-яқингача тадбиркорлардан мавжуд маълумотларни қўшимча равишда талаб қилиш ҳолатлари бор эди. Жорий йилдан бошлаб 34 турдаги ҳисобот бекор қилинмоқда. Бу тадбиркорларга нима беради? Аввало, соҳа вакиллари учун энг қадрли ва қимматли жиҳат — вақт тежалади. Қолаверса, ҳар йили 21 мингдан ортиқ тадбиркорнинг 500 миллион сўм харажати ўзида қолади. Ўз навбатида эса, тежалган вақт янги бизнес лойиҳалар устида ишлаш, маблағ эса бизнесни янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этишга туртки бўлади.

Жорий йилга "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилиши замирида ҳам чуқур маъно мужассам. Бу юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этадиган ёшлар ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг том маънодаги локомотивига айланган бизнес соҳаси янада қўллаб-қувватланади, дегани.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон бизнес юритиш учун йилдан-йилга қулай мамлакатга айланиб бормоқда. Шубҳасизки, 2024 йилда тадбиркорларга янада кенг қулайликлар яратилади, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун бор куч ва имкониятлар тўлиқ сафарбар этилади. Бу, ўз навбатида, 5 миллион аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келади. Ушбу мақсадлар учун 83 триллион сўм ва 275 миллион доллар кредит ҳамда субсидиялар йўналтирилиши тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларининг самарали меҳнат қилишига имкон яратади.

Мазкур жараёнда рейтинг жорий қилиниши тадбиркорлар фаолияти учун ўзига хос рағбат бўлади. Бунинг аҳамияти ҳақида давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида айтилган эди. Шундан сўнг мазкур рейтингнинг мезонлари ва тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилди. Унга кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 тоифага ажратилади. Бу солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Рейтинги юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текширувлари бекор бўлади. Қўшилган қиймат солиғи суммаси бир кунда ва бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов уч кунда қайтариб берилади. Энг муҳими, товарларни импорт қилишда ва сотишда қўшилган қиймат солиғини божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти яратилади.

Шунингдек, аукционда олинган давлат активлари ва ер участкалари қийматини бўлиб тўлаш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилади. Бунда камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни бирйўла амалга оширганда, қолган суммага йиллик фоизлар ҳисобланмайди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, энди тадбиркорлар фаолиятига солиқчилар эмас, электрон тизим баҳо беради. Яъни инсон омили чекланиши ҳисобига соҳада очиқлик ва шаффофлик таъминланади. Бу, ўз навбатида, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга хизмат қилади. Содда қилиб айтганда, келгусида субсидия, имтиёз ва преференциялар мазкур рейтингдан келиб чиқиб берилади. Кўрсаткичи паст бўлганлар интизомли тадбиркорлар сафига кириш ва кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳаракат қилади.

Қувонарлиси, бу рейтинг тадбиркорларга ўз ҳамкорлари тўғрисида ишончли маълумот берувчи ҳимоя тизимига айланади. Яъни шубҳали шартномалар ва инсофсиз рақобатга чек қўйилиб, "яширин" иқтисодиёт қисқаради.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 15 январь куни тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини жорий қилиш бўйича тақдимот билан танишиш чоғида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, бу тизимни пухта ишлаб чиқиб, адолатли ва самарали йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам кичик ва ўрта бизнеснинг халқаро бозорларга чиқишига имкониятларни кенгайтириш, микромолиялаштиришни ривожлантириш, инновациялар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик бизнес билан кооперацияни ривожлантиришнинг янги инструментларини амалиётга жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига барча хизматларни "Ягона дарча" тамойили асосида онлайн портал орқали кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш вақтини ўртача 3 бароборга қисқартириш мақсад қилинган.

Буларнинг барчаси табиатан омилкор халқимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин ва самарали шуғулланиши, кичик бизнеснинг жадал суръатда ривожланиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, бугун тадбиркорлик энг катта ва айни пайтда миллий иқтисодиётимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, кичик бизнес вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши яқин вақт ичида мамлакатимизда тадбиркорлар сони янада ортиб, иқтисодий барқарорлик таъминланиши, аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Мазкур субъектлар ягона электрон тизим орқали хизмат кўрсатади. Тизимга уланмаган корхоналар билан шартнома бекор қилинади ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудлар давлат-хусусий шериклик асосида бошқа субъектга берилади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 17 январь, 12-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Долзарб мавзу

# ТАЪСИРЧАН дастак

## чиқиндидан қарздорликнинг ўз вақтида амалга оширилиши аҳолида масъулият ҳиссини ошириб, табиат мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади



> **Мутахассисларнинг қайд этишича, чиқитга чиққан шиша идиш — бир миллион йил, пластик ичимликлар идишлари 450 йил, алюминий консерва банкаси 80-200 йил, кучланиш батареялари 100 йил, нейлон мато 30-40 йил, чарм пойабзал 25-40 йил мобайнида чирийди ва ҳоказо.**



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
*иқтисодий шарҳловчи*

Бошланиши 1-бетда

Масалан, давлат хусусий-шериклик лойиҳаси иштирокчилари томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун Тошкент вилоятининг жами 22 та шаҳар ва туманларида жисмоний шахслар учун 1 кишига ойлик 4400 сўм (юридик шахслар учун 61 минг (ҚҚС билан 68 минг 320 сўм), Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманида жисмоний шахслар учун 1 кишига ойлик 5000 сўм ва юридик шахслар учун 90 минг сўм (ҚҚС билан), вилоятнинг бошқа туманларида эса жисмоний шахслар учун 1 кишига ойлик 4129 сўм, юридик шахслар учун 59 минг 693 сўм (ҚҚС билан), Фарғона вилояти шаҳарларида жисмоний шахслар учун 1 кишига ойлик 5000 сўм ва юридик шахслар учун 48 минг (ҚҚС билан 53 760) сўм, туманларида эса жисмоний шахслар учун 1 кишига ойлик 4000 сўм ва юридик шахслар учун 48 минг (ҚҚС билан 53 минг 760) сўм, Андижон вилоятининг 16 та шаҳар ва туманида жисмоний шахслар учун 1 кишига ойлик 3500 сўм ва юридик шахслар учун эса 47 минг 500 сўм (ҚҚС билан) тўлов миқдори белгиланди.

Бу борадаги тўловнинг энг катта миқдори пойтахтимиз аҳолисига тўғри келади. Тошкент шаҳри бўйича ҳар бир киши учун 7500 сўм ҳамда юридик шахсларга 1 тонна учун (ҚҚСсиз) 188 минг 808 сўм ва 1 кубометр учун (ҚҚСсиз) 89 минг 977 сўмни ташкил этади.

Амалдаги нархлар ошишининг сабаби Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази томонидан қуйидагича изоҳланади:

"Таҳлилларга кўра, ўтган давр мобайнида тўлов тарифларига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омиллар, хусусан, иш ҳақи 1,5 баробар, автотранспорт ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмлари қиймати ҳамда коммунал хизматлар, жумладан, электр энергияси, ичимлик ва оқова суви нархлари 2 баробар, сиқилган табиий газ нархи 4 баробар, бензин 1,5 баробар, дизель ёқилғиси эса 2 баробар ошган. Бироқ республикада қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматлар учун тасдиқланган тўлов тарифлари охирги 2-4 йил давомида қайта кўриб чиқилмаган. Бу эса санитар тозалаш корхоналарининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг 2022 йил якуни бўйича рентабеллик даражаси кескин пасайиб кетишига олиб келган".

Ҳақиқатан, йиғилиб қолган муаммолар қамрови катта эди. Уларнинг асосий жиҳатлари хусусида аввалги таҳлилларимизда ҳам мулоҳаза юритган эдик.

### 7 миллион тонна кичкина рақам эмас

Дунёда қаттиқ маиший чиқиндилар миқдори аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ортаётган бир пайтда Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий ривожланиш, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши натижасида ўсиш 2 фоизни ташкил этиб, йиллик ҳосил бўлаётган маиший чиқиндилар миқдори 7 миллион тоннадан ошган.

Лекин уларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш аҳволи қониқарли эмас. Мамлакатимизда маиший чиқиндиларни олиб чиқиш қамрови 90 фоизга етган бўлса-да (2017 йилда атиги 25 фоиз эди), қайта ишлаш даражаси Андижонда 45, Бухорода 43, Навоий ва Наманганда 36 фоизни ташкил этгани ҳолда, Қорақалпоғистон 10, Фарғона ва Қашқадарё 20 фоиз билан орқада қолган. 781 маҳаллада чиқиндиларни олиб чиқиш масаласи 30 йилдан буён ҳал этилмаган. Аҳолининг бу соҳадаги хизматлар бўйича дебитор қарздорлиги ҳам кўп. Тиббиёт ва таълим муассасалари, бозорлар учун 19 минг дона чиқинди контейнерларига эҳтиёж бор.

Президентимиз 2022 йил февраль ойи бошида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида ана шундай рақамларни келтирар экан, "Биз бу масалада фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутмасак, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак", деди.

2022 йилнинг ўзида маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга, хусусий сектор улушини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда импорт қилинадиган махсус техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона божидан 3 йилга озод этилади. Саралаш ва қайта ишлаш техникаси хариди учун 5 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилади ва қайта молиялаштириш ставкасидан ошган қисми қопланиши белгилаб берилди.

Мазкур йиғилиш бўлиб ўтганига ҳам қарийб икки йил бўлиб қолди. Бу вақт мобайнида соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир бир қатор ҳужжатлар эълон қилинди. Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказининг маълумотларига қараганда, мамлакатимиз ҳудудларида тўпланган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси 2018 йилда 631,4 минг тонна (9 фоиз), 2021 йилда 1 миллион 697,9 тонна (24,2 фоиз), 2022 йилда 2 миллион 208,2 тоннага (32,4 фоиз) етди.

2023 йилда республикада мавжуд 299 та чиқиндини қайта ишлаш корхоналари аҳолидан олиб чиқиб кетган 6,6 миллион тонна маиший чиқиндиларнинг 2,4 миллион тоннаси ёки 36,7 фоизи қайта ишланди. Уларнинг асосий қисми полиэтилен, пластмасса, қоғоз, шиша, текстиль, металл, шина ва резина маҳсулотларидир.

Санитар тозалаш ишларини амалга ошириш соҳасида жами 155 та, шундан 50 та давлат-хусусий шериклик, 85 та муқобил корхоналар, 7 та кластер, 13 та "Тоза ҳудуд" ДУК филиаллари фаолият юритиб келмоқда.

Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида аҳолига санитар тозалаш хизматини яхшилаш мақсадида 300 та чиқинди ташийдиган махсус техника сотиб олиниб, уларнинг 286 тасини лизингга бериш бўйича шартномалар имзоланган. Санитар тозалаш корхоналарининг лизинг асосида қўшимча махсус техникалар сотиб олиш истаги пайдо бўлган тақдирда захирада яна 14 та махсус техника турибди.

Барча махсус техникаларни лизингга бериш туфайли аҳолининг қамров даражаси қўшимча равишда 2,5 миллион кишига ортди.




Натижада маиший чиқиндиларни олиб чиқиш маҳалла ҳудудлари бўйича қамров даражаси қарийб 90 фоизга етди. Бунга санитар тозалаш корхоналарининг чиқиндиларни ташувчи махсус техникаларини реал вақт режими, белгиланган график ва йўналишлар бўйича ҳаракатини тизимли мониторинг қилиб бориш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида тасарруфдаги мавжуд автотранспорт воситалари хатловдан ўтказилиб, 4282 тасининг аниқ рўйхати шакллантирилгани ҳисобига эришилди. Қолаверса, уларнинг 3048 тасига GPS кузатув қурилмаси ўрнатилган.

### Чиқиндидан қарзни ўз вақтида тўламаганлар электр таъминотида муаммога дуч келади

Давлатимиз раҳбари жорий йил 4 январь куни "Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади. Унинг асосий мақсади аҳолининг маиший чиқиндилар билан боғлиқ хизматлар сифатидан тўлиқ қониқишини таъминлаш, улар даражасини халқаро стандартларга етказиш, тадбиркорлар учун жозибадорлиги ва қайта ишлаш даражасини кескин ошириш, атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирни минималлаштириш, "ноль чиқинди" тамойилига эришишга қаратилган.

— Фармонда кўзда тутилган асосий ўзгаришлар жорий йил апрель ойидан бошлаб амалга оширилади, — дейди ҳуқуқшунос Шокир Тошқулов. — Йил охирига бориб эса Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда "Тоза ҳудуд" ДУК фаолият олиб бораётган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик тамойили асосида чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш технологиялари мавжуд санитар тозалаш корхоналарига имтиёзли ҳуқуқ берган ҳолда ўтказиш чораларини кўради. Бунда ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда камида 20 та махсус техникаси бўлган санитар тозалаш корхоналарига устуворлик берилади.



Мазкур субъектлар ягона электрон тизим орқали хизмат кўрсатади. Тизимга уланмаган корхоналар билан шартнома бекор қилинади ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудлар давлат-хусусий шериклик асосида бошқа субъектга берилади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, чиқитга чиққан шиша идиш — бир миллион йил, пластик ичимликлар идишлари 450 йил, алюминий консерва банкаси 80-200 йил, кучланиш батареялари 100 йил, нейлон мато 30-40 йил, чарм пойабзал 25-40 йил мобайнида чирийди ва ҳоказо.

Хонадондан чиққан ана шундай чиқиндилар дастлаб мавзе ва маҳаллалардаги йиғиш шохобчаларида тўпланади. Тошкент шаҳрининг ўзида уларнинг сони мингдан ортиқ. "Махсустранс" давлат унитар корхонаси маълумотларига кўра, шохобчаларнинг 72 фоизи жамиятга, қолгани хусусий секторга қарайди.

— Ҳозир пойтахтда яшовчи аҳолининг биз хизмат кўрсатаётган корхонага тегишли қарзи 17 миллиард сўмга етган, — дейди Тошкент шаҳар "Махсустранс" ДУК бош инспектори Исмоил Саъдуллаев. — Президентимизнинг жорий йил 4 январь куни имзолаган фармонига қадар қарздорликни ундириш бўйича таъсирчан дастакка эга эмас эдик, десам янглишмайман. Фақат тўловни бажариб қўйишларини илтимос қилардик.

Эндиликда зарур дастак жорий этилмоқда. Фармонга кўра, чиқинди хизматлари учун тўлов қабул қилиш ҳамда абонентлар ҳисобини юритиш электрон тўлов тизимлари ёки тижорат банкларининг тўлов қабул қилиш кассалари орқали амалга оширилади. Чиқинди хизматлари учун ойлик тўловлардан қарздорлиги бўлган абонентлар SMS орқали хабардор қилиб борилади.

Қарздорлик бўйича огоҳлантирилгандан кейин тўлов қилмаган шахсларнинг электр учун тўловларини қабул қилишни вақтинчалик чеклаш амалиёти босқичма-босқич жорий этилади. Биринчи босқичда бу тадбир жорий йил 1 июндан 6 ойлик қарздорлик учун Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказида амалга оширилади. Иккинчи босқичдан, яъни 1 ноябрдан 3 ойлик қарздорлик сабаб электр учун тўловларни қабул қилиш республиканинг барча ҳудудларида чекланади. Учинчи босқичда чеклов 2025 йил 1 январдан 1 ойлик қарздорлик учун амал қила бошлайди. Демакки, келаси йилдан бошлаб чиқиндидан қарзни ўз вақтида тўласангиз, электр таъминоти билан боғлиқ муаммога дуч келмайсиз.

Бундан ташқари, 2024 йил 1 апрелдан кўчмас мулк ҳамда автотранспортлар билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашда қарздорлик мавжудлиги Ягона электрон тизим орқали онлайн текширилиб, қарздорлик бартараф этилгач, нотариал ҳаракат амалга оширилади.

Тошкент шаҳрининг ўзидан ҳар куни 2300 тоннага яқин чиқинди олиб чиқилади. Оҳангарондаги полигонга республиканинг бошқа ҳудудларига қараганда анча катта ҳажмда чиқинди олиб келинса ҳам, иш жараёни жуда оддий. Чиқинди тўкилади, механизаторлар бульдозерлар орқали уларни суриб, ёйиб чиқади, устидан тупроқ билан ёпилиб, рекультивация қилинади. Кейин навбатдаги майдонга ўтилади.

— Ҳозирги кунда полигонни тартибга солиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар "Махсустранс" ДУК бош инспектори Исмоил Саъдуллаев. — Осиё тараққиёт банки иштирокидаги кредит маблағлари йўналтирилган ҳолда, унинг ёнида 30 гектар ер ажратилиб, халқаро талабларга жавоб берадиган янги полигон қуриш ишлари тез орада ниҳоясига етади. Мавжуд полигонлардан фарқли равишда, унинг ичи тупроқ қатлами ва ерости сувларига чиқиндилардан ажраладиган зарарли моддаларни ўтказмайдиган ҳимоя плёнкалари билан қопланган. Чиқиндилардан ҳосил бўладиган метан газларини қайта ишлаб, электр энергияси оладиган ускуналар ўрнатилади. Яъни мавжуд полигон рекультивация қилиниб, унга ўрнатиладиган қувурлар орқали ҳосил бўлган метан газлари ва электр энергиясини тортиб олиш ҳам режалаштирилган.



— Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, "ноль чиқинди" тамойилларига риоя қилиш бўйича янги тартиб ва механизмларни жорий этиш вазифаси олдимизда турибди, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бош мутахассиси Исмат Дилмуродов. — Жумладан, чиқиндиларни маиший турларига қараб, алоҳида-алоҳида тўплаш ва олиб чиқиб кетиш, янгидан ҳосил бўлаётган чиқиндиларни полигонларга йўналтирмасдан, максимал даражада қайта ишлаш ёки куйдириш талаб этилади.

### Полигонлар замонавий талабларга жавоб бермайди

Бугунги кунда қаттиқ маиший чиқинди полигонлари 196 та, шундан фойдаланишдаги полигонлар 163 та. Қаттиқ маиший чиқиндилар билан тўлган полигонлар 23 та. Таассуфки, ҳозирги кунда уларнинг бирортаси замонавий талабларга жавоб бермайди.



Бу хусусдаги муаммолар фармонда ҳам қайд этилган. Жумладан, полигонлар ҳолати экология ва санитария талабларига жавоб бермаслиги, улар фаолиятида қайта ишлаш, утилизация қилиш ва куйдириб юбориш тизимлари яратилмагани, шунингдек, бошқарув тўғри йўлга қўйилмагани сабабли айримлари тартибсиз шакллантирилгани баён этилган.

Тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ, республика ҳудудида 2024-2026 йиллар давомида 36 та рекультивация қилиниб, тупроқ билан ёпиладиган полигонлар, 17 та қаттиқ маиший чиқиндиларни, 38 та чиқиндиларни қайта юклаш станциялари қурилади.

Ҳосил бўлаётган чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси кескин оширилади. Бунинг учун "ноль чиқинди" тамойилига эришиш ва айланма иқтисодиётни ривожлантириш чоралари кўрилади. Мисол учун, жорий йил 1 июлгача ҳудудларда аҳолига чиқиндиларни тоифаларга ажратиб тўплаши учун QR-кодли бепул пакетлар берилади.

2024-2026 йилларда Тошкент, Ангрен, Андижон, Бухоро, Термиз шаҳарлари ва Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар ҳудудидаги чиқиндиларни йиғиш майдонларида улар "қайта ишланадиган", "қайта ишланмайдиган" ва "озиқ-овқат" тоифаларига ажратган ҳолда йиғилади.

Ушбу ҳудудлардаги кўп қаватли уйларнинг чиқинди йиғиш майдонларида қоғоз, пластик, қора ва рангли металлар, шишалар, тўқимачилик материаллари, резина каби чиқиндиларни сотиб олиш йўли билан қабул қилиш ташкил қилинади. Келгусида фуқаролар чиқиндини шунчаки ташлаб юбормайди, балки пуллайди.



2024-2028 йилларда ҳудудларда чиқиндиларни қайта ишлаш, муқобил энергия ҳамда органик ўғит ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

### Электромобиль, контракт пули ва танловлар...

Эндиликда тадбиркорлар томонидан ўрнатилган йўллардаги фото ва видео воситаларини ўрнатган тадбиркорларга экологик ҳуқуқбузарликларни ҳам қайд этиш ва Давлат экологик назорат инспекциясига хабар бериш ҳуқуқи берилди. Бунда тадбиркор жарима сифатида ундирилган маблағнинг 20 фоизи миқдорида пул билан рағбатлантирилади. Аҳоли эса ўз ташаббуси билан чиқиндихонага айланган ёки чиқиндилар ноқонуний ташлаб кетиладиган ҳудудларга ўз ҳисобидан фото ва видео воситалари ўрнатиб, ҳуқуқбузарлардан ундирилган жариманинг 20 фоизини мукофот сифатида олиши мумкин.

Санитар тозалаш корхоналарининг камида 10 йиллик тажрибага эга ва садоқатли хизмат кўрсатган ходимлари учун ҳар йили "Табиат уйғунлиги ҳимоячиси" танлови ўтказилади. Уларнинг 100 нафарига давлат ОТМга тўлов-контракт асосида ўқишга кирган фарзандлари ёки невараларига контрактининг тўлиқ суммаси тўлаб берилади.

Ҳар йили "Энг тоза маҳалла" танлови ўтказилиб, танловда ғолиб бўлган 14 та маҳаллага чиқинди йиғиш майдончаси қуриш, чиқинди контейнерларини ўрнатиш ва дарахт экиш учун жами 500 миллион сўм пул ҳамда хизматда фойдаланиш учун биттадан электромобиль берилади.

— Фармонда 1 апрелгача жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича норматив ҳужжатларни тайёрлаш ҳам белгиланган, — дейди Шокир Тошқулов. — Хусусан, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш учун жарима миқдорини ошириш ва ҳуқуқбузарликни содир этиш воситасини мусодара қилиш (масалан, чиқиндини машинада ташлаб кетса, машина мусодара бўлиши мумкин), чиқиндилар ташлаб кетилган жойни тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш мажбуриятини юклашга оид қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Шунингдек, чиқинди тўплаш майдончаларида чиқиндиларни ноқонуний тўплаш ва олиб чиқиб кетмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланади. Ҳудудларни тозалашга масъул бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўз мажбуриятини бажармагани, атроф-муҳит ифлосланганини учун жавобгарликка тортилади.

Шарҳимиз аввалида бир қатор халқ депутатлари вилоят кенгашлари томонидан маиший чиқиндилар учун тарифлар белгиланганини қайд этган эдик. Фармонда бу борада ҳам аниқ механизм белгиланган. Яъни ҳар бир санитар корхонаси ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуднинг маиший чиқинди хизматлари учун тўлов суммаларини ишлаб чиқади.

Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази тўлов суммалари асослантирилганини ўрганиб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий органларига киритади. Улар берган хулоса билан вилоят ҳокимлигига тақдим қилинади. Ҳокимлик 20 кун ичида (1-20 ноябрь) тарифларни халқ депутатлари вилоят кенгашига киритади. Санитар корхоналарга кейинги йил учун тўловлар кенгашнинг 1 декабрга қадар қабул қилинган қарори асосида амалга оширилади.



## Янгича ёндашувлар

**“Дунё олимлари фазони забт этаётган бир паллада...” деб бошланадиган танбеҳларга қулоғимиз ўрганяпти. Ўзимиз англаб-англамай бу жумлани нутқимизда ифодалашга одатланяпмиз. Бироқ кўзимизни очиб қарасак, тиниқ шуур билан атрофни идрок этсак, юртимизда кашфиётлар қилаётган, билимини фойдали ихтироларга йўналтираётган, ўз соҳасида муваффақият қозонаётган ёш олимлар талайгина. Эсингизда бўлса, ҳиндларнинг “Уч савдойи” деган киноси бор. Шу кинодаги бош қаҳрамон “Сиз осмонга қараб Юпитерни кўролмасангиз, бу — осмонда Юпитер йўқ дегани, эмас-ку?!” дейди. Ҳа, гарчи биз шахсан билмасак-да, юртимизда етук инновацион лойиҳа ва ихтиролар қилаётган иқтидорли ёшлар кўп. Яқинда шундай ёшлардан бирини ўзим учун кашф этдим.**



# ИҚТИДОРЛИ ВА ИХТИРОЧИ ЁШЛАР МАНЗИЛИ

## ёхуд ўсимлик “эҳтиёжи”ни сезадиган қурилмадан сунъий интеллект билан бошқариладиган электротракторгача бўлган йўл

### РОБОТ ИНСОНГА СУВ УЗАТАДИ

Томчига боқиб, уммонни тафаккур қиладилар. Ёш олим Авазбек Турсунқулов бошчилигида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўриб, бу соҳада эришилажак натижалар қанчалик аҳамиятли эканини ҳис қиласиз.

Авазбекнинг Smart DIS (Smart Drip Irrigation System) лойиҳаси наботот олами учун керакли бўладиган сув, минерал ўғит ва ҳаво намлиги миқдорини, шунингдек, ҳароратни доимий ўлчаб, назорат қилиб туришга мўлжалланган. Қурилма олинган маълумотлар асосида таҳлиллар қилиб, фермер ва деҳқонлар учун қулайлик яратади. Smart DIS ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қуйи Чирчиқ туманида жойлашган дала ўқув полигонида тест синовларидан ўтказилган ва ижобий натижадан сўнг “Қодирбек” фермер хўжалигига ўрнатилган. Жаҳон банки томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида юртимизнинг 6 та ҳудудида Smart DIS қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозир бу қурилмаларнинг йиғув-тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир лойиҳа ҲЭТА (Ҳайдовчисиз электр трактор агрегати) бўлиб, асосан, ерни юмшатиш, текислаш, шудгорлаш, ўғитлаш ва оғирлиги 4 тоннагача бўлган юкларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш учун хизмат қилади.

— ҲЭТАнинг нархи хориждан Ўзбекистонга кириб келаётган электротракторларга нисбатан арзон, имконияти эса бир хил. Фермер хўжаликларида, боғдорчиликда ва томорқа эгаларига асқатади, — дейди Авазбек



Турсунқулов. — Электротракторлар тўлиқ сунъий интеллект билан бошқариладиган бўлгач, юкларни бир нуқтадан иккинчи нуқтага инсон омилисиз етказиб бера олиши режалаштирилган. Юқори тезлиги 30 километр/соат бўлиб, бир марта қувватлантирилса, 90 километргача етади. Қувватланиш вақти 45-60 дақиқа. Қуёш нуридан ҳам қисман қувватланади. ҲЭТАни ишлаб чиқаришда ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети кўмак берган ва лойиҳанинг биринчи нусхаси тайёрланган. Сўнгра жамоа бошланғич маҳсулот билан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган “Бизнесга биринчи қадам” танловида ғолиб бўлиб, 60 миллион сўмлик молиялаштиришни ҳам қўлга киритган. Айни пайтда лойиҳани тўлиқ сунъий интеллект билан ҳаракатлантира олиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Навбатдаги лойиҳа ПРОбот бўлиб, у иссиқ сув, совуқ сув ёки бошқа махсус ичимлик қуйиб бериб хизмат кўрсатувчи роботдир. Шунингдек, ўрнатилган бино ҳақидаги маълумотлар билан ўзбек, рус, инглиз тилларида хабардор қилиши ва турли огоҳлантиришлар бериши мумкин. Унинг бош қисмида инсоннинг юзини танувчи махсус камера жойлашган, камера ёрдамида қонунбузарликлар содир этган шахсларни таниган заҳоти керакли жойга хабар беради. Ҳозир ушбу ПРОбот Тошкент политехника музейида хизмат кўрсатади. ПРОботнинг яна бир ўхшаши яратилган.

Авазбек Турсунқулов каби салоҳиятли ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлайдиган, молиялаштирадиган, кўмак берадиган давлатгина дунёнинг етакчи мамлакатлари сафида бўла олади. Шу ўринда бир таклифни илова қилиб ўтсак. Ҳудудларда Ёшлар технопарки ва инновацион марказлар фаолият олиб боряпти. Бундай марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш керак, токи қобилиятли ёшлар бу ерда инновацион лойиҳалар, саноат намуналари, инқилобий техник қурилмаларни ихтиро қилиш, ишлаб чиқариш учун бемалол кирсин, ўз иқтидорини намоён эта олсин. Уларнинг лойиҳаларини ғоя ҳолидан то амалга оширилиб фойда келтирадиган пайтгача молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда муаллифу олимларни узлуксиз маош билан таъминлаш лозим. Албатта, бу катта харажат талаб қилади, аммо барча чиқим уларнинг лойиҳалари натижасида келадиган даромад туфайли қопланиши шубҳасиз.

### “BODY TESTER” ОЛТИ ТИББИЙ КЎРСАТКИЧ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРАДИ



Кўпчилигимиз учун қадрли бўлиб қолган “Мафтунингман” фильми қаҳрамони, режиссёр Усмон Турдиевич шаҳарма-шаҳар кезиб, қобилиятли актёрларни излайди. Йўлга отланишдан аввал ўзи “Бундан барибир ҳеч нарса чиқмайди”, деган бўлса-да, бироқ юртдаги иқтидорларни кўриб, ҳайратланади. Бугун биз ҳам ҳар қадамда ҳаётдан норози бўлиш, имкониятлар етарли эмаслигидан нолиш ўрнига теварак-атрофга назар солсак, хулосаларимиз ўзгариши табиий. Ўзбекистонда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Уларни излаб топиб, имкон даражасида моддий ва маънавий қўллаб-қувватласак, юқори натижаларга эришишимиз муқаррар.

Ана шундай истеъдодлардан яна бири Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси Асадбек Ўруновдир. Асадбек университетда ташкил этилган “Cosmos Innovation” жамоаси асосчиси ва етакчиси ҳисобланади. Унинг бошчилигидаги жамоа электромобиль аккумуляторларининг иссиқ иқлимли мамлакатлар учун универсал модули — “Fresh Energy” лойиҳасини тайёрлаган.

Сўнги вақтларда амалга оширилган ва кўп эътибор қаратилаётган лойиҳа бу — “Body Tester” лойиҳасидир. Лойиҳа инсон тиббий кўрсаткичларини ўлчаб берувчи инновацион қурилма саналади. У бир вақтнинг ўзида олтита (бўй, вазн, пульс, қондаги кислород миқдори, тана ҳарорати, қон босими) тиббий кўрсаткич ҳақида маълумот беради ва бу маълумотларни 1,5-2 дақиқа ичида қоғоз кўринишида тақдим этади. Бундан ташқари, юртдошларимизнинг тиббий шахсий кабинетини шакллантиришда, уларнинг давомли тиббий кўрсаткичларини қайд этиб боришда ҳам катта ёрдам беради. Бу қурилманинг кенг тарқалиши таъкидлаб ўтганимиз олтита кўрсаткични ўлчашдаги инсон омилини, ортиқча вақт исрофини, навбатлар сонини кескин камайтиради.

— Мазкур қурилма Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида, ДМС клиникасида ҳамда Олмазор тумани ҳокимлигида ўрнатилган, — дейди Асадбек. — Лойиҳа 2023 йил 25 декабрь куни “Ёшлар форуми — 2023” доирасида бўлиб ўтган “Раҳбар ва ёшлар” очиқ мулоқотида қўллаб-қувватланди.

Ҳар бир манфаатли ғоя, инновацион лойиҳа ва ихтиро муаллифларини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш орқалигина юксак тараққиётга эришиш мумкин. Зеро, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун илмга, таълимга эътибор жуда муҳим.

**Самариддин ЙЎЛДОШЕВ,**
*ЎзЖОКУ талабаси*

## Камолот пиллапояси

# САБЗИДАН қора чой

## Чимбойлик қиз муваффақиятининг сири



**Чимбойлик ҳунарманд Қундуз Қурбоновани бугун Қорақалпоғистонда муваффақиятли тадбиркор сифатида яхши танишади. У ўтган йили жунни қайта ишлайдиган дастгоҳ олиб келиб, ишга туширди.**

— Дастлаб фаолиятимни қора уй жиҳозлари ва миллий либослар тайёрлаш билан бошлагандим. Кейинчалик чимбойлик ҳунармандларни бирлаштириб, “Ҳунарманд” маркази ташкил этишга эришдим. Бу ерда 108 ҳунарманд 11 турдаги фаолият билан шуғулланмоқда, — дейди Қундуз Қурбонова. — Бундан ташқари, чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйганмиз. Марказимизга ташриф буюрган меҳмонлар ҳунармандчилик маҳсулотлари қандай тайёрланишини кузатиб боради. Шунингдек, қорақалпоқ миллий таомларини таътиб кўради. Ҳудудимиздаги тарихий манзилгоҳларга саёҳат уюштирилади.

Ҳар бир манзилнинг ери ва ҳавоси, умуман, шароити тубдан фарқ қилади. Таомлари мазаси ҳам хилма-хил. Масалан, маҳаллий аҳоли сутдан фойдаланиб, тайёрланадиган қора чойнинг ўзгача таъмини табиий ўт-ўланлар билан боғлайди.

— Ўтган йил хорижлик журналистлар қорақалпоқ қовунлари бўйича туманимиздаги “Қамис ариқ” овул фуқаролар йиғинидан кўрсатув тайёрлашди, — сўзини давом эттиради тадбиркор. — Улар олдига ўзимизда етиштирилган 4 хил қовунни қўйдим. Қовунлар таъмини татиб кўриб, бири-биридан ширин эканини эътироф этди. Ҳақиқатан, бизда етиштириладиган қовунлар жуда мазали. Қадимдан ота-боболаримиз қовун қоқини ширинлик сифатида тановул қилган. Шунингдек, қиров еган жийдани қобиғидан ажратиб олиб, келида туйиб, ундан шакар ўрнида фойдаланган.

Мен ҳунармандлар сулоласининг еттинчи авлоди ҳисобланаман. Боболаримиз қора уй ясаган бўлса, момоларимиз миллий таомлар тайёрлаб, карвонларни меҳмон қилган.

Ҳунарим орқасидан дунё кездим. Хитой ва Германияда ўз кўргазмаларимни ташкил этдим. Буларнинг барчасини миллийлигимизга қаратилаётган эътибор натижаси, деб биламан.

Айни пайтда ҳунарманд Қундуз Қурбонова Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги сайёҳлик фирмалари билан шартнома тузиб, хорижлик меҳмонларни Оролбўйига бошлаб келмоқда. Изланувчан қаҳрамонимиз сабздан қора



чой тайёрлашни йўлга қўймоқчи экан. Аслида, қорақалпоқликларда бу усулда чой тайёрлаш азалдан бўлган. Қундуз эса деярли унут бўлаётган ушбу анъанани тиклашни ўз олдига мақсад қилган. У ёш бўлишига қарамасдан бугун 100 дан ортиқ ёшни касб-ҳунарли, ишли қилди. Бу биргина навқирон авлод вакилининг қилган ишлари. Тадбиркорликка қизиқиб, ўзларида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириб бораётган ёшларнинг эртаси порлоқ бўлишини ҳозирдан тасаввур қилса бўлади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

## Археология



# ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР СУРХОНДАРЁДА НИМАНИ ҚИДИРЯПТИ?

**Сурхондарё вилоятида археологик тадқиқот ишлари олиб бораётган “Ўзбек — Француз” илмий экспедицияси фаолиятига бу йил 30 йил тўлади. Таниқли археолог Пьер Лериш мазкур экспедициянинг Франция томонидан лойиҳа раҳбари. Археолог деярли ҳар йили Ўзбекистонга келиб, ҳудудларда ҳамкорликда қазишма ишларини олиб боради.**

— Чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён юртингизда тадқиқот олиб бораман. Бундан 5-6 йил олдин Ўзбекистонга келиб-кетиш билан боғлиқ муаммолар, ҳужжатларни расмийлаштириш, доимий сўровлар, иш жараёнидаги шароит археологларимизни бир оз толиқтирарди. Бугун илм одамлари учун бундай тўсиқлар олиб ташланди, — дейди профессор Пьер Лериш.

2017 йилдан Ўзбекистон — Франция халқаро археологик экспедицияси фаолиятида ўзига хос давр бошланди. Термиз давлат университети ва Франциянинг Экол Нормал Суприэр филология ва археология илмий тадқиқотлар лабораторияси ўртасида шартнома имзоланиб, кенг кўламли ишлар бошланди.

Экспедиция Термиз туманидаги Чингизтепа ёдгорлигида буддавийлик ибодатхонасининг маданий қатламларини ва Шеробод туманидаги Зарабоғ ҳудудида Бронза даври ёдгорликларини ўрганмоқда.

— Бир неча йилдан буён Сурхондарёга келаман. Ҳар келганимда янги ўзгаришларни кўряпман, ривожланиш суръати анча тезлигини кузатяпман. Бу жараён бизга ҳудуднинг ўтмишини қайта кашф этишга имкон яратяпти, — дейди Франциянинг археориент илмий лабораторияси катта илмий ходими Жоанна Луиллиер. — Қўшма экспедициямиз ўзига хос тарихга эга. Франция ва Ўзбекистондаги университетларда талабаларга изланишлар натижаси ҳақида маъруза қилишга таклиф қилишади. Таклифни ижобий қабул қиламан. Сурхон воҳасининг бой тарихидан сўзловчи ҳамкорликдаги қазишма ишларимиз ва унинг натижалари ҳақида талабаларга мароқ билан сўзлаб бераман.

Термиз давлат университетида бундан беш йил муқаддам археология йўналишида бакалавр ва магистратура йўналишида талабалар қабул қилиш бошланганди. Дастлабки қалдирғочлар бугунги кунда ўзбек археологиясининг келажаги сифатида натижасида Шеробод воҳаси археологик ёдгорликларининг харитасини яратдик, ёдгорликларнинг археологик паспортлари тузилди. Эришилган натижалар қаторида Ўзбекистон томонидан экспедицияга берилган юқори эътибор ҳақида Прагада монографиямиз ҳам чоп этилди, — дейди чехиялик тадқиқотчи Ладислав Станчо. — Ўзбекистон томонидан профессор Шопўлат Шайдуллаев билан биргаликда биз мана шу экспедицияга раҳбарлик қилиб келмоқдамиз.

Экспедиция давомида Жондавлаттепа, Бургуттепа, Совуртепа, Лайлагон каби ёдгорликларда кенг кўламли археологик қазув ишлари олиб борилди. Чехиялик археологлар билан ҳамкорликда Кушон империясининг қишлоқлари ҳаёти ва тарихи тўғрисида ноёб маълумотларни аниқлаш имкони яратилди.

Бу қазишмаларда Чехия томонидан, асосан, Карлова университети қадимшунослари иштирок этмоқда.

Ўтган йили Термиз давлат университети раҳбарияти ва археологларидан иборат гуруҳ Чехияда бўлиб, Карлово университети ректори, профессор Милена Краличкова билан учрашди. Мулоқот асосан, археология соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари хусусида бўлиб, келгусида профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳақида ҳам келишиб олинди.

Карлово университети дунёнинг энг қадимий олийгоҳларидан бири. XIV аср ўрталарида Чехия қироли Карл IV томонидан ташкил этилган ушбу олийгоҳда ҳозир 55 мингга яқин талаба (шундан салмоқли қисмини хорижликлар ташкил қилади) таҳсил олади. Карлово университети халқаро рейтингларда дунёнинг 500 та энг яхши олий таълим муассасалари сафидан мунтазам жой олиб келади. Халқаро экспедиция аъзолари томонидан олиб



мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги тадқиқот марказларида илмий изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, 2023 йилда олийгоҳнинг тарих факультети таркибида алоҳида археология кафедраси ҳам ташкил этилди.

Француз археологи Жоанна Луиллиер мунтазам равишда талабаларга “Ўрта Осиёнинг бронза даври (милоддан аввалги III-II-мингйилликлар) моддий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида очиқ маърузалар ўқиб келади.

Қадимшуноснинг маърузасида Шеробод туманидаги Бургуттепа, Кайриттепа, Тиллабулоқ, Тулкитепа ёдгорликларида қўшма экспедиция томонидан қўлга киритилган натижалар ҳақида маълумотлар берилади.

Халқаро ҳамкорлик доирасида ўзбекистонлик тарихчи олимлар ҳам Франциянинг Леон ва Археориент лабораторияларида малака оширди. Мобиллик асосида нафақат ўқитувчилар, балки талабалар алмашинуви бўйича ҳам истиқболли режалар қилинган.

Сурхондарёлик қадимшунослар — Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари воҳада нафақат Франция, балки Чехия, Россия, Хитой ва япониялик археологлар билан ҳамкорликда эътиборга молик халқаро лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Халқаро экспедицияларда Ўзбекистон томонидан директор этиб тарих фанлари доктори, профессор, таниқли археолог Шопўлат Шайдуллаев тайинланган.

Ўзбекистон — Чехия халқаро археологик экспедициясининг иш бошлаганига ҳам 20 йилдан ошди. Ўзбек ва чех археологлари ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида олиб борилган дала-қазув ишлари жараёнида 300га яқин янги археологик ёдгорликлар кашф этилган.

— Таъкидлаш керак, халқаро экспедиция иш бошлаганидан буён Ўзбекистон тарихига доир катта лойиҳаларни амалга оширишни кўзлагандик ва ўзаро ҳамкорликда мақсадларга эришдик, деб ўйлайман. Йиллар давомида изланишларимиз борилаётган изланишлар натижасида Чехияда ва Европада қадимий Сурхон воҳасига, ўзбек археологиясига қизиқиш янада ошмоқда.

Кейинги йилларда хитойлик археологларнинг ҳам мамлакатимиз тарихи, археологиясига қизиқиши ортган. Хитойнинг Жануби-ғарбий университети билан тузилган меморандум доирасида “Қадимий инсоният маданияти ва атроф-муҳити” бўйича қўшма тадқиқот лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу илмий дастурда Сурхондарё вилоятининг бронза ва илк темир даври археологик ёдгорликларини атрофлича ўрганиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон — Хитой халқаро экспедицияси томонидан Сурхон воҳасининг Бойсун, Денов, Ангор, Сариосиё, Узун туманларида 100 дан ортиқ янги археологик ёдгорликлар аниқланди, рўйхатга олинди.

— Ўзбекистон — Чехия халқаро археологик экспедицияси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро кўргазмада иштирок этиб, Ўзбекистон археологияси ҳам катта мактаб эканини, Европанинг нуфузли илмий-тадқиқот марказлари билан алоқалар ўрнатилганини билдим. Тўғриси, ҳавас қилдим. Чунки бизнинг ҳамкорлигимиз бошланганига кўп бўлмади, аммо истиқболли. Келажакда шундай халқаро кўргазмалар ташкил этиш ҳаваси уйғонди. — дейди хитойлик олим Ма Жиян. — Сабаби, қаердаки, ўзаро ҳамкорликка ишонч ва эътибор бўлса, ўша ерда илм-фан ривожланади. Европа давлатлари археологлари шу узоқ вақт давомида самарали иш олиб борибдими, демак, Ўзбекистонда бизнинг ҳам ишларимиз яхши бўлишига ишончим комил.

Бугунги тезкор ривожланаётган замон ва шунга ҳамоҳанг тараққиётга юзланиб дунёга очилаётган Ўзбекистонда ривожланган мамлакатлар билан ўзаро илмий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Аслида, халқаро ҳамкорлик инновацияларнинг асосий драйверидир.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
*журналист*

**Ғазаллар халқимизга мантиқан етиб боришида, улар билан айтиладиган ашулаларнинг, айниқса, катта ашуланинг хизмати жуда катта бўлган. Чунки катта ашулада сўз куй билан бир услуб-усулда “нафас” олади. Уларда шеър ва куй бир-бирига шу қадар уйғунлашиб, сингиб кетганки, куйнинг ўзини алоҳида эшитганда шеърни ҳам тинглаётгандек бўламиз.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

Боқий мерос

# КАТТА АШУЛА — ҳаёт тўлқини

**Мақом Шарқ халқлари тарихида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган бебаҳо мусиқий меросдир. Улар халқларимизнинг ўзига хос мусиқа бойлиги асосида созанда ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий-тарихий тараққиёт жараёнида мустақил мусиқа жанри сифатида юзага келган. Кейинги йилларда ушбу ноёб меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.**



Яқинда бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари мақом санъатини илмий асосда ўрганиш, ривожлантириш ва ёш авлод қалбига сингдириш борасида ўринли мулоҳазаларни ўртага ташлади.

## “Патнис ашула” тўлқинлари ва қочиримлари

Катта ашула — Фарғона водийсининг ўзига хос йирик ашула йўли, мумтоз ашула жанри ва оғзаки профессионал хонандалик ижодиётининг айтим услуби ва усулидир. У ўзига хос мусиқий-поэтик тили, ижро услуби ва ҳаётийлик шакли билан ажралиб туради. Ушбу жанрга мусиқий воситаларни ихчам ва таъсирли ифодалаш, мусиқий ривожланиш жўшқинлиги ва ёрқин таъсирчанлиги хосдир. Катта ашуланинг образлар қиёфаси лирик-фалсафий мавзулар орқали ифодаланган ва мумтоз шеърият билан чамбарчас боғланган.

— Катта ашула деб номланишига сабаб — бу ашулалар очиқ ҳавода, катта аудитория орасида баланд ва кучли овоз билан, кенг диапазонда ижро этилиши ва ўзига хос катта мавзу, ижро услубига эгалигидадир, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Абдуллаев. — Уни халқ орасида “патнис ашула” ёки “патнусаки ашула” деб ҳам аташган. Ашулани ҳофизлар қўлига патнис ёки ликопча ушлаб, ижро жараёнида овоз йўналишини ўзгартиришга ҳамда ўзини ва ҳамнафаси овозини тинглашга, уни силкитиш орқали овозни тўлқинлатиб, қочиримлар қилишга ёрдам берган. Бу ашулалар баланд пардада ижро этилади.

## “Эй дилбари жононим, кўп нозу итоб этма...”

Катта ашула ўрта асрларда маросим ва меҳнат қўшиқ-айтимлари (баланд ва кучли овозда, эркин усулда жўрсиз айтиши), катта “мақтов” айтимлари негизида, мумтоз шеърият ва хонандалик ижро маданиятининг ривожланиши, мумтоз ғазалларни анъанавий ўқиш талқини (“ғазалхонлик”) асосида юзага келиб, тараққий топди. Профессор Рустам Абдуллаевнинг таъкидлашича, унинг ўтмишдаги намуналарида ишқий-лирик ва фалсафий ғазаллар билан бир қаторда дидактик (панд-насиҳат), тасаввуф руҳидаги шеърлар ҳам куйланган. Кейинчалик Лутфий, Навоий, Машраб, Амирий, Ҳазиний, Муқимий, Фурқат, Завқий, Мискин ва бошқа шоирлар шеърлари билан айтила бошланган. XX асрда замонавий ўзбек шоир (Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий, Чустий, Ўткир Рашид, Эркин Воҳидов) лари шеърлари асосида ҳам куйланган. Катта ашула тараққиётида аруз вазнидаги маснавий, рубоий, мухаммас, мусаддас каби поэтик жанрлар муҳим роль ўйнайди.

Масалан, Мискиннинг “Эй, дилбари жононим” ғазалини олайлик:

*Эй, дилбари жононим, кўп нозу итоб этма,*
*Юз жабру жафо бирла ҳолимни хароб этма.*
*Мастона кўзинг бирлан қошинг*
*қиличин тортиб,*
*Бир-бирига ҳимо айлаб, қатлимга хитоб этма.*

Аруз вазнида ёзилган бу ғазал тингловчиларда завқу шавқ, турфа руҳий кечинмалар уйғотиб, поэтик асарларнинг катта ашула жанри орқали халқ орасида кенг тарқалишига олиб келди. Мусиқийлик — шеъриятнинг энг асосий фазилатларидан, деб бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам катта ашула дейилганда халқимиз назарида йирик айтим мусиқа асарлари намоён бўлади, ваҳоланки, мусиқа асарларининг ўзи ҳам мустақил мазмунга эга ва инсон қалбининг энг нозик туйғуларини ифода эта оладиган санъат турларидандир.

## Сўз куй билан бир услуб-усулда “нафас” олади

Ғазаллар халқимизга мантиқан етиб боришида, улар билан айтиладиган ашулаларнинг, айниқса, катта ашуланинг хизмати жуда катта бўлган. Чунки катта ашулада сўз куй билан бир услуб-усулда “нафас” олади. Уларда шеър ва куй бир-бирига шу қадар уйғунлашиб, сингиб кетганки, куйнинг ўзини алоҳида эшитганда шеърни ҳам тинглаётгандек бўламиз.

— Ҳофизлар одатда шеър байтидан бошланғич биринчи-учинчи мисраларнинг ҳар бирини навбатма-навбат ижро этади, — дейди Рустам Абдуллаев. — Бошловчи биринчи мисра билан режа ташласа, иккинчи ҳофиз (агар икки ижрочидан иборат бўлса), шу мисрани такрорлайди. Лекин куй ҳаракатига у айрим ўзгаришлар (вариантлар) киритади. Кейинги мисра бир парда баландроқ, иккала ижрочи томонидан яна навбатма-навбат айтилади. Авж қисми ҳам шундай услубда юқори пардаларда ижро этилади. Ҳар бир банд (байт)нинг охирги мисраси талқинида, гоҳ мисра бошидан ёки мисранинг ярмидан ашула ниҳоясига етказилганда иккала ҳофиз биргаликда (унисон тарзи) куйлаб, ашула даромадини бошловчи ташлаб берган режа даражасига туширилади. Ҳар бир банд шу асосда айтилади. Навбатма-навбат ижро этиш усули ҳофизларга ашуланинг ҳар қисми, айниқса, авж олдидан нафасни ростлаб олишга, баланд пардаларга қийналмай чиқа олишга ҳамда юқори авжга тайёрланишга ёрдам беради.

## “Ёввойи чоргоҳ”нинг илк ижрочиси

Катта ашула маълум бир оҳанг ёки куй билан бошланади (асарнинг асосий мавзуси) ва бу оҳанг ашула давомида бир нечта вариантда ижро этилади. Катта ашуланинг шаклланишида хониш, хиргойилар муҳим аҳамиятга эга. Улар катта ашула куйини куйчанг ҳолатга олиб келади.



Катта ашуланинг хусусиятларидан яна бири — жанр ижрочилигида бадиҳагўйликдан кенг фойдаланишдир. Бу эса ундаги речитатив (нутқли) ва оҳангдорликнинг боғланишини таъминлайди, ашулани ранг-баранг мусиқа безаклари ва ички қонуниятлари билан бойитади. Чолғусиз айтиш катта ашулада ижро вақтида бадиҳагўйлик қилишга катта имконият (овозни юритиш учун) ва ёрдам беради, шунинг учун ҳам икки киши айтган катта ашула куй тузилиши ва характери, ритм ва нақш безаклари (нола, қочирим) билан ажралиб туради.

Катта ашула жанрининг тараққиёти йўлида унинг жанрлар таркиби ҳам кенгайиб борди. Кейинги асрларда катта ашуланинг “Бир келсун”, “Оҳким”, “Адашганман” каби анъанавий туридан ташқари бошқа шакллари ҳам юзага кела бошлади. Хусусан, “ёввойи мақом” икки-беш ҳофиз томонидан жўрсиз, эркин ритмик усулида талқин этилади. Масалан, “Ушшоқ”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Сегоҳ”лар шу тарзда ана шу усулда айтилади. “Ёввоий ашула” — оммабоп ашула йўллари эркин, бадиҳагўй услубда айтилади. Биз бу ижрога “Тановар” ва “Муножот”ни киритишимиз мумкин.

Катта ашуланинг чолғу йўллари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, найда ижро этиладиган “Ёввойи чоргоҳ” илк бор таниқли созанда-найчи Абдуқодир Исмоилов томонидан тақдим этилган.

## Ижрочилик мактаблари ривожи ва халқаро эътироф

Суҳбатдошимиз катта ашуланинг ривожланиш жараёнида унинг йирик ижрочилик мактаблари шакллангани, ҳар бири ўз анъанаси, ижро услуби ва репертуари билан ажралиб туриши борасида жумладан, шундай дейди:

*“Қўқондаги ижрочилик мактаблари Раҳмонқул тики, Халқори, Ҳамроқул қори, Эрка қори Каримов, Шерқўзи Бойқўзиев, Расул қори Мамадалиевлар томонидан ривожланган. Марғилон мактаблари эса Маматбува Сатторов, Болтабой Ражабов, Саидмузаффар Азизов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Солижон Ҳошимов, Иброҳимжон Исҳоқов, Мусажон Орифжоновлар номлари билан чамбарчас боғлиқ. Одилжон Юсупов, Набижон Саидназаров, Жўражон ва Эргашвой Юсуповлар, Фаттоҳхон Мамадалиевлар Андижон мактабларини ташкил этган бўлсалар, Тошкент мактаблари Акбар қори Ҳайдаров, Эшмат Ҳайдаров, Очилхон Отахонов, Ориф Алимаҳсумов, Орифхон Ҳотамовлар томонидан ривож топган. Наманганда эса Маллобой Ҳамидов, Абдулла Ғозиев, Иброҳим Исоқов ижрочилик мактаблари довруқ қозонган. 1984 йилда илк бор Марғилонда катта ашула ижрочилари танлови ўтказилди ва у анъанага айланди. 2001 йилда Андижонда профессионал катта ашула ижрочилари танлови ўтказилди. Россия, Европа ва АҚШда ўтказилган нуфузли Халқаро фольклор танловларида ўзбекистонлик катта ашулачилар шараф билан қатнашиб келаётгани эътиборга моликдир”.*

Фарғона водийсининг ўзига хос йирик мазкур ашула йўли мусиқа жанри, улкан хонандалик ижро услуби ва усули сифатида ЮНЕСКО томонидан тан олиниб, 2009 йилда “Инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдонаси” Репрезентатив рўйхатига киритилди. Марказий Осиё миқёсида Катта ашула жанри муҳофазаси, уни сақлаш ва тарғиб қилиш услублари, фойдаланиш ва оммалаштириш йўллари ACCU ЮНЕСКО (Япония) маркази томонидан эътироф этилиб, Олтин медаль билан тақдирланган. Катта ашула йўллари халқимиз орасида мумтоз мусиқий меросимизнинг ноёб бойлиги сифатида яшайверади ва янгидан-янги мусиқа асарлари яратишда ҳаётбахш манбалардан бўлиб қолади.



**“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА тайёрлади.**

Ёшлик шижоати

# ҲАР ҚАДАМДА БИР МАДАНИЯТ БОР

**Сурхондарёлик Музаффар Ҳақбердиев саккиз йилдирки, Ҳиндистоннинг Нью-Деҳли шаҳрида яшайди. 2010 йилда Термиз давлат педагогика университетининг Ўзбек филологияси факультетини битириб, Тошкент давлат шарқшунослик университетига ҳужжат топширди. Хорижий мамлакатлар тарихи факультетида урду тили бўйича таҳсил олган Музаффар магистратурани Ҳиндистонда ўқиди. 2015-2017 йилларда Жавоҳарлал Неру университетида ҳиндий ва урду тиллари бўйича магистратурани тамомлагач, медиа ва коммуникация тадқиқотлари факультетида ҳам таҳсил олди. Уч йилдирки, “Ўзбек ва урду тиллари ўртасидаги муштарак сўзлар” мавзусида илмий иш қиляпти.**



— Болалигимда кўпчилик қатори мен ҳам ҳинд киноларини севиб томоша қилардим. Ҳинд тилини ўрганишга қизиқиш ўша даврларда бошланган, — дейди Музаффар. — Шарқшунослик институтида ўқишимга ҳам айни шу қизиқишим сабаб бўлган. Бу ерда кўп тиллар ўқитилади. Хусусан, бизнинг факультетимизда форс, араб, хитой, ҳиндий-урду тиллари ўргатилган. Устозимиз Муҳайё Абдураҳмонова ҳиндий-урду тилларига қизиқишимиз янада ортишига сабабчи бўлган.

2011 йил август ойида мамлакатимиздаги Ҳинд маданият маркази орқали Ҳиндистонга ўн кунлик сафар қилдик. Ўшанда ҳиндларнинг турмуш тарзи, маданияти, миллий таомлари ҳақида қисқача маълумот олганмиз. Сафар чоғида университетни тамомласам, бафуржа келаман, деб ният қилгандим. Яратганнинг ўзи мақсадга етказди.

Урду тилида форсий сўзлар кўп учрайди. Айнан шу сўзлар бизга муштаракликни олиб келади. Масалан, замин сўзи урду тилида ҳам замин. Илм, уламо, иморат, умр, ибтидо, иллат, абадий сингари яна кўплаб сўзлар ҳар икки тилда бир хил маъно англатади. Урду ва ўзбек тили ўртасидаги муштарак сўзлар бўйича илмий иш қилиб, икки халқ ўртасидаги муносабатларга ҳисса қўшишни ўзим учун шараф, деб биламан.

— Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги илмий, маданий ва маънавий алоқаларнинг уйғун жиҳатлари кўп. Жумладан, урду ва ўзбек тилларида умумий ҳисобланмиш муштарак сўзлар 5 мингдан ортишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Урду тилига форсча сўзлар кўпроқ ўзлашган. Айни форс тили орқали эса, арабча сўзлар кенг ўзлаштирилган, — дейди Шарқшунослик университети профессори Муҳайё Абдураҳмонова. — Шогирдим Музаффар Ҳақбердиев қўл урган тадқиқот ишининг объекти урду ва ўзбек тилларидаги муштарак сўзлар таҳлили ҳисобланади. Тадқиқотчи бу сўзларнинг араб ва форс тилларидан қай тарзда ўзлашгани ва қўлланиш даражасига асосий эътибор қаратяпти. Ишонч билан айта оламанки, Музаффар каби изланувчан ёшлар урдушунос мутахассис сифатида икки давлат, икки миллат орасидаги кенг қиррали алоқаларнинг бундан-да тараққий этишига хизмат қилади.

Музаффар кейинги йилларда Ҳиндистон билан кўплаб соҳалар доирасидаги алоқаларимиз жадаллашгани ҳақида гапирар экан, илмий соҳада ютуқларга эришилаётганидан, айниқса, Деҳли университетида Ўзбек тили кафедраси очилганидан хурсандлигини тўлқинланиб сўзлайди.

— Ўзбек тилини ўқитиш учун устозлар алмашинувига келишилгани зўр бўлди, — деди суҳбатдошимиз. — Таълимдаги ҳамкорлик энг самарали ва эзгу иш десак, хато бўлмайди. Ўзбекистонда ҳам кўплаб ҳинд талабалари таҳсил оляпти.

Музаффар мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонасида ташкил этилган Ҳиндистонда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар уюшмаси раиси ҳамдир. Шунингдек, элчихонада бўлиб ўтадиган маданий тадбирларни ўтказишга кўмаклашади. Хорижда илмий фаолият олиб бориш, ташкилий ишларга ҳам бош қўшиб юриш осон эмас, албатта. Айниқса, аччиқ таомларни хушлайдиган мамлакатда...

— Тўғри, ҳиндлар кўпроқ аччиқ таом истеъмол қилади, дуккакли маҳсулотлардан тайёрланган таомлар, айниқса, гуручни яхши кўради. Биз ёқтирадиган таомлари ҳам бор, албатта. Баттер чикен, бирянu, тандури чикенни аччиқ бўлса ҳам яхши кўриб истеъмол қиламиз.

Ўқишимизнинг дастлабки кезларида ётоқхонада уч маҳал овқат берилар эди. Кўпинча тушликда ва кечки овқатга аччиқ таомлар ер эдик. Аввалига бир оз қийналдик, аста-секин ўргандик. Нони бизнинг нонларимизга умуман ўхшамайди. “Чапати” дейди, “рути” дегани ҳам бор. Бироқ Кашмирда Ўзбекистонга яқин бўлган жиҳатларни кўрамиз. Чунки кашмирликлар бизга ўхшаб тандирда нон ёпади. Қолаверса, Кашмир мевалари Ҳиндистоннинг бошқа кўп жойларида ўсмайди. Хусусан, шафтоли, гилос, олма барча вилоятларда ҳам йўқ.

Тарихга эътибор қаратадиган бўлсак, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни фатҳ қилганидан сўнг диёримиздан турли мевали дарахтлар келтириб эктирган. Тарвуз, қовун, шунингдек, анор, олма каби мевали дарахтлар Ҳиндистонга бизнинг юртимиздан борган. Мана шунинг ўзи ҳам бизга ғурур бағишлайди. Буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросдан ташқари улар яратган табиат гўзалликларидан ҳам фахрланиб юрамиз.



Музаффар “Ҳиндистон жуда катта мамлакат бўлгани туфайли ҳар қадамда бир маданият бор”, деган гап бежиз эмаслигини таъкидлаб, шундай дейди:

— Нью-Деҳлининг аҳолиси 30 миллиондан ошади. Турли ҳудудлардан келиб ўрнашиб қолган одамларнинг маданияти ҳам турфа бўлиши табиий. Шунинг учунми, Ўзбекистонга бир йилда бир бор келган пайтларимиз аэропортдан тушибоқ ўзимизни бошқача ҳис қиламиз, кўнгил юмшайди. Юрт ҳавоси, тупроғи, маҳалласию кўчаси, ўзбек тилида гапираётган одамлар, онангиз пишириб беражак таомлар, умуман, бари-бари кўнгилга ўзгача завқ беради. Ифори ўзгача бундай завқни туйиш бахтига муяссарлик бизни ҳамиша нурли манзиллар сари чорлайверади.

**Муножат МЎМИНОВА,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 147.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:48 Топширилди — 23:55